



Socio-philosophical factors of the rise of science and culture in the period of Mirzo Ulugbek

Islam KHAMDAMOV¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 15 November 2021

Available online

25 December 2021

Keywords:

science,
Revival,
Samarkand,
Oliya madrasah,
observatory,
madrasah,
scientists,
Mirzo Ulugbek,
Kazizoda Rumi,
Jamshid Kashi,
Ali Kushchi,
Muhammad Khawafi,
philosophy,
astronomy,
mathematics,
education,
spiritual heritage.

ABSTRACT

In this article, it is considered how the future of the nation and our country depends on healthy, morally pure, spiritual, harmoniously developed youth. In the education of such young people, first of all, the experience of all times is necessary. Namely, in the legacy of scientists of the past, its analysis and application in practice in modern conditions, it is also necessary to consider the moral education of young people as a necessary and objective necessity in solving educational and moral problems.

The article also examines the scientific activity of the famous representative of the Timurids, ruler, mathematician, astronomer Mirzo Ulugbek. About his care and development of madrasahs, observatories, socio-philosophical analysis of the scientific heritage of scientists. On the development of socio-political, cultural and philosophical thinking of the peoples of Central Asia in the XV–XVI centuries. Various aspects, evolution, historical and philosophical foundations in historical perspective.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp40-47>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Мирзо Улуғбек даврида илм-фан ва маданиятнинг юксалишининг ижтимоий-фалсафий омиллари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

илм-фан,
Ренессанс,

Маълумки, миллат ва мамлакат келажаги соғлом, ахлоқан пок, маънавиятли, баркамол ёшларга боғлиқ экан. Бундай ёшларни вояга етказишда ўтмиш алломалари

¹ Associate Professor of the Samarkand State Institute of Foreign Languages, Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy. Samarkand, Uzbekistan.

Самарқанд,
Мадрасайи олия,
расадхона,
мадраса, алломалар,
Мирзо Улуғбек,
Қозизода Румий,
Жамшид Коший,
Али Кушчи,
Муҳаммад Ҳавофий,
фалсафа,
астрономия (хайъат),
математика (риёзиёт),
таълим-тарбия,
маънавий мерос.

меросидаги барча замонларга мос ҳаётий тажрибалар ва уларни бугунги кунда таҳлил этиш ҳамда амалиётда фойдаланиш тарбиявий, ахлоқий муаммоларни ечишда объектив зарурият сифатида қаралиши лозим.

Ушбу мақолада темурийларнинг машхур вакили ҳукмдор, математик, астроном олим Мирзо Улуғбекнинг илмий фаолияти, мадрасалари, расадхонаси, фаолият қўрсатган олимлар илмий меросини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш, Марказий Осиё халқларининг XV–XVI асрлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва фалсафий тафаккур ривожининг ўзига хос жиҳатлари, эволюцияси, тарихий-фалсафий негизлари ҳақида фикр юритилади.

Социально-философские факторы подъема науки и культуры в период Мирзо Улугбека

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

наука,
Возрождение,
Самарканд,
медресе Олия,
обсерватория,
медресе,
ученые,
Мирзо Улугбек,
Казизода Руми,
Джамшид Каши,
Али Кушчи,
Мухаммад Хавафи,
философия,
астрономия,
математика,
образование,
духовное наследие.

В данной статье, рассматривается как будущее нации и нашей страны зависит от здоровой, нравственно чистой, духовной, гармонично развитой молодежи. В воспитании такой молодежи, прежде всего, необходим опыт всех времен. А именно, в наследии ученых прошлого, его анализ и применение на практике в современных условиях, следует также, рассматривать нравственное воспитание молодежи, как необходимую и объективную необходимость в решении образовательных и нравственных проблем.

В статье, также рассматривается научная деятельность известного представителя Тимуридов, правителя, математика, астронома Мирзо Улугбека. О его заботе и развитии медресе, обсерваториях, социально-философском анализе научного наследия ученых. О развитии общественно-политического, культурного и философского мышления народов Центральной Азии в XV–XVI веках. Различные аспекты, эволюция, историко-философские основы в исторической перспективе.

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий, маданий соҳалардаги ислохотлар натижасида дунёга машхур алломаларимиз маънавий меросини, шунингдек, диний-ирфоний, тасаввуфий таълимотлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўли-дан бормоқдамиз” [1. Б. 244]. Бу борада Амир Темур ва темурийлар даврида илмфан тараққиёти ижтимоий-фалсафий омиллари моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан илмий-назарий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва илмий асосланган мезон ва механизмларини ишлаб чиқиш объектив заруратга айланмоқда.

Иккинчи Ренессанс даври номи билан машҳур бўлган XIV–XV асрларда Марказий Осиёда давлатчилик, илм-фан ва маданиятнинг юксалиши Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади. Ушбу давр илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига асос сифатида IX–XII асрлардаги Марказий Осиё худудидаги биринчи Ренессанс даври ютуқларини кўрсатишимиз мумкин.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

XIII асрга еелиб, мўғул истилоси туфайли Марказий Осиёда илм-фан ва маданият тушкунликка юз тутди, аммо бир ярим асрдан сўнг Амир Темур ушбу жараёнларга чек қўйди. Маълумки, Амир Темур марказлашган давлатга асос солганидан сўнг, Мовароуннаҳрда илм-фан маданият, бунёдкорлик мислсиз даражада ривожланди. Амир Темур ҳарбий юришлари туфайли бошқа мамлакатлардан турли хил касбдаги кишиларни, жумладан, олим-у фузалолар, қурувчилар, хунарманд, уста, хаттот, табибларни Самарқандга олиб келди. Ўз навбатида, Амир Темур илм-фанга жуда қизиқар эди ва олимлар ижод қилиши учун шароит яратиш мақсадида мамлакатнинг турли худудларида мадрасалар бунёд этган. Унинг бу ишларини авлодлари Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаролар давом эттирди. Бу даврда биргина Самарқанд шаҳрида Идигу Темур мадрасаси, Амир Ферузшоҳ мадрасаси, Муҳаммад Султон мадрасаси, (Амир Темур севимли набирасига аталиб қурилган), Мир Бурундуқ (Амир Темурнинг сарой аъёнларидан бири) мадрасаси, Қутбиддин садр мадрасаси (Мавлоно Қутбиддин Амир Темур даврида Самарқанддаги барча мадрасалар вақф мулки раҳбари), Бибихоним мадрасаси, Амир Шоҳмалик мадрасаси (мадраса қаерда қурилганлиги номаълум, мадраса Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошийлар мударрислик қилган, Хожа Аҳрори Вали, Мавлоно Саъдиддин Кошғарий бу мадрасага келиб, Амир Саййид Қосим Анвор суҳбатларидан [2. Б. 52–57]. баҳраманд бўлганлар), Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий Самарқандий мадрасаси, Фақиҳ Абулайс мадрасаси (мадрасада Абдураҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Алишер Навоийлар таълим олган [3. Б. 23]) каби ўз даврининг олий ўқув юртлари шулар жумласидандир.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Темурийлар даврининг машҳур вакили Мирзо Улуғбек ҳукмдор бўлишига қарамасдан, илм-фан ва санъатга меҳр қўйган эди. Жумладан, ҳукмдор бўлиш баробарида астроном, математик, тарихчи, файласуф, мусиқачи, шоир каби буюк иқтидор соҳиби эди. Мирзо Улуғбек 1394-йилда Султония (ҳозирги Эрон худуди) шаҳрида, Амир Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлари даврида туғилди. Мирзо Улуғбек Шоҳрух Мирзонинг ўғли бўлиб, дастлаб Муҳаммад Тарағай исми берилган ва кейинчалик Улуғбек деб аталган. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро курашларда Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзо ҳокимиятни қўлга олиб, Хуросон, Ироқи Ажам, Эрон, Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳукмдори бўлади. Шоҳрух даврида асосий пойтахт Ҳирот эди, Самарқанд иккинчи даражали пойтахт бўлиб, ўғли Мирзо Улуғбек бошқарарди. Аммо бу даврда фақат Самарқандда илм-фан ривожланган, деган фикрдан келишимиз нотўғри бўлади. Чунки ушбу даврда Ҳирот ҳам илм-фан, маданият ривожланган шаҳарга айланган. Мирзо Улуғбекнинг отаси Шоҳрух Ҳиротда ўз атрофига руҳонийларни тўплаб олган бир пайтда, ўғли Мирзо Улуғбекнинг давлат бошқаруви, ҳокимиятга қараганда кўпроқ илм-фанга иштиёқи кучли эди. Мирзо Улуғбекнинг бошланғич таълими ва устозлари ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Улуғбек дастлаб бувиси Сароймулк хоним қўлида,

кейинчалик оталиқ амир Шоҳ Малик қўлида тарбияланган. Таниқли математик ва тарихчи олим А.Аҳмедов фикрига кўра, Амир Темурнинг саройидаги энг йирик олимлардан бири Мавлоно Аҳмад Улуғбекка дастлабки астрономияга оид билимларни берган бўлиши мумкин [4. Б. 28]. Аммо Мирзо Улуғбекнинг ўзининг “Зиж” асарида Қозизода Румийни “устозим” деб атайди. Улуғбек ёшлигиданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида ўз даврининг йирик олимларидан бирига айланди. Мирзо Улуғбекнинг нафақат Самарқандда, балки бутун Мовароуннаҳрда илм-фаннинг ривожланиши учун улкан ташаббуси ва саъйи-ҳаракатлари туфайли 1417-йил Бухорода, 1420-йилда Самарқандда, 1433-йилда Ғиждувонда мадрасалар бунёд этилди [5. Б. 24]. Бухоро мадрасаси (меъмори Исмоил ибн Тоҳир ибн Маҳмуд Исфаҳонийдир) қурилиши тарихи ва услуби бўйича олимлардан Г.А. Пугаченкова, А. Жуманазар, Б. Валихўжаевлар тадқиқотлар олиб борган [6]. Мирзо Улуғбек илм-фан ва таълим, мадрасаларга алоҳида эътибор қаратганлигини Бухоро мадрасаси пештоқига “Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” ҳадисини ва дарвоза ҳалқасига “Китобий билимга интилувчилар учун Аллоҳ марҳаматининг эшиги ҳамиша очиқдир” жумлаларининг келтирилганлиги алоҳида эътирофга сазавордир. Билим ва илм эгаллашга тарғиб этувчи ушбу ҳадислар, академик В.В.Бартольд таъкидлашига кўра, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасида ҳам мавжуд [7. Б. 125]. Эътиборга молик томони шундаки, XIX аср ўрталарида Туркистонга келган рус сайёҳи Н.В. Хаников Бухоро мадрасаларида толибларга йилига 3,5 тилло миқдоридан стипендия олганлиги ҳақида маълумотлар берган. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси алоҳида диққатга сазавордир. Мирзо Улуғбекнинг ўзига хос энг йирик илмий тадқиқотлар ўтказган мадрасаси Самарқандда бунёд этилган ва “Мадрасаи олия” деб аталган [8. Б. 277]. Самарқанд мадрасаси икки қаватли бўлиб, тўртта гумбази ва тўрт минораси бўлган, пештоқи юлдузлар билан тўла само тасвирланган. Демак, мадрасада ўқитиладиган фанлар орасида алоҳида аҳамият берилган фан астрономия бўлган. Мирзо Улуғбек олий мактабида ўз замонасининг илғор олимларини мадрасага жалб қилган, жумладан, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Абдуали ибн Муҳаммад Биржандий, Али Қушчи, Мавлоно Исомиддин, Фазлуллоҳ Абулайсий, шоир Абдурахмон Жомий каби олимлар маърузалар ўқиганлар [9. Б. 152] ва Мирзо Улуғбек раҳбарлиги фалакиётшунослик соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини олиб борган. Масалан, 1436-йилда Самарқандга келган Абдурахмон Жомийдан Қозизода Румий бошчилигидаги олимлар имтиҳон қабул қилган ва кейинчалик улардан билим олиб, бир қаторда фаолият кўрсатган [10. Б. 46–47]. Ўша даврда Самарқанд мадрасасининг кўзга кўринган йирик намояндаларидан бири Ғиёсиддин Коший бўлиб, Шоҳруҳ Мирзога атаб “Зижи хоқони дар такмили “Зижи Элхони” (яъни “Зижи Элхоний”) ни такомиллаштиришда Хон Зижи”) номли асар ёзган. 1416-йилда Ғиёсиддин Коший Мирзо Улуғбекнинг таклифига биноан Самарқандга келиб, Қозизода Румий билан биргаликда Мирзо Улуғбек мадрасаси ва расадхонасини бунёд этишда қатнашади [11. Б. 22]. Қозизода Румий Улуғбекнинг устози ва ўз даврининг йирик олими, тадқиқотчиси сифатида мадрасада дарс беришдан ташқари илмий тадқиқот билан, иш билан шуғулланиб, расадхонада астрономик кузатишларини олиб борган. Унинг астрономия ва математикага оид “Шарҳ ашкол ат-таъсис” (Астрономия ҳақида қисқартма шарҳ, самарқандлик олим Шамсиддин

Ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (XIII аср) геометрик рисоласига изоҳлар бўлиб, Мовароуннаҳр мадрасаларида геометрия бўйича дарслик вазифасини ўтаган), “Шарҳ ал-мулаххас фи-л-хайл” (“Асосланган таклифларга шарҳ” деб номланиб, бу асар хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар ал-Чағминий рисоласига ёзилган шарҳ ҳисобланади) асарлари мавжуд. Қозизода Румийнинг ушбу асарлари асосида Самарқанд мадрасасида астрономиядан дарс берган. Мавлоно Қозизода Румий томонидан яратилган дарсликлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Румдаги мадрасаларда ҳам ўқитилган, уларга турли шарҳлар ҳам битилган [12. Б. 41]. Самарқанддаги Идику Темур мадрасасида таълим олган Саййид Шариф Журжоний Шерозга қайтгач, машҳур олим сифатида танилади. Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида Қозизода Румий раъис ал-муаллимин этиб тайинланган ва умрининг охиригача мударрислик вазифасида фаолият олиб борган [13. Б. 28–29]. Мирзо Улуғбек, асосан, мадрасада астрономия (ҳайъат), математика (риёзиёт) фанларидан маърузалар ўқиганлигини олим Жамшид Кошийнинг қуйидаги отасига юборган маेतубидаги таърифидан ҳам билиб олишимиз мумкин: “У киши бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришган. Юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керакдек исботлайди. Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Жаъфар Носириддин ат-Тусийнинг “Тазкира” ва “Тухфа” дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай кўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди [14. Б. 278]. Мирзо Улуғбек мударрис, олим сифатида маъруза ўтиш жараёнида толиблар билан мунозара услубидан яхши фойдаланган. Бу ҳақида Жамшид Коший қуйидагиларни мактубларида қайд этган. “Вақти-вақти билан Мирзо Улуғбек ва талабалар ўртасида шундай тортишувлар келиб чиқардики, уни тасвирлаб бўлмайди [14. Б. 292].

Мирзо Улуғбек мадрасасида фаолият кўрсатган олимлардан яна бири Хожа Фазлуллоҳ Абулайсий Самарқандий – машҳур фикҳшунос ва арабшунос аллома, мадрасада фикҳ ва араб тилидан дарс берган. Бу ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ан-нафоис”да ёзиб қолдирган. Академик Б. Валихўжаевнинг қайд этишига кўра, Идику Темур мадрасасида Самарқанд шароитини ҳисобга олган ҳолда, араб, форс ва турк тиллари ўргатилган [3. Б. 16]. Мирзо Улуғбек мадрасасида астрономия соҳасининг машҳур вакили Алоъиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий 1414–1417-йилларда Кирмонда (Эрон) таълим олиб, фалсафага доир рисола ёзган. Қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Гиёсиддин Коший, Мирзо Улуғбек каби олимлардан таълим олади ва мударрис сифатида фаолият кўрсатиб, толибларга аниқ фанлардан ташқари ижтимоий ва назарий фанлардан, жумладан, мантиқ, фикҳ, адабиётшуносликдан маърузалар ўқиб, илмий тадқиқотлар олиб борган. 1425-йилда Али Қушчи математикага оид “Рисолаи ҳисоб”, 1430-йил мантиққа оид “Рисолаи мантиқ”, “Рисола ал-истиорат” номли асарларни ёзган. Али Қушчининг ушбу асарлари бутун Мовароуннаҳр шаҳарларидаги мадрасаларга дарслик сифатида тарқалди. Мирзо Улуғбек Али Қушчини шогирдликка қабул қилди, у ҳақида кўплаб ижобий фикрларни билдиради, “қиёматли ўғли” (фарзанди аржуманд) деб атайти. Али Қушчи йирик олим сифатида машҳур, баъзида Мирзо Улуғбекнинг фармойиши билан элчилик ишларини ҳам бажарган. Али Қушчи 1429–1430-йилларда Ҳиротга бориб, мадрасаларда ўқув жараёнлари, толиб ва мударрисларнинг ҳаёт ва фаолияти билан танишди. Али Қушчи Ҳиротда Самарқанд мадрасаси илмий фаолияти билан талабаларни таништирди ва у ерда таълим олаётган

Абдурахмон Жомий ва бошқа толибларни Самарқандга Улуғбек мадрасасида ўқишга таклиф қилган. Али Қушчининг темурийлар салтанатининг кўплаб худудларида илм-фан, таълим ва тарбияга қўшган ҳиссаси туфайли ўз даври ва кейинги замонлар учун номи абадийлашди. Али Қушчининг илм-фан таълим, маънавият ва маърифатга қўшган ҳиссасини олимлардан Мирим Чалабий, Абдуқодир Рўёний, Мулла Абдуали Биржандийлар Эрон, Рум ва бошқа ўлкаларга ёйдилар ва унинг анъаналарини давом эттирдилар. Машхур шоир, мутафаккир, нақшбандия тариқатининг устози Абдурахмон Жомий Самарқандга Мирзо Улуғбек мадрасасида Мавлоно Қозизода Румий, Хожа Фазлуллоҳ Абулайсийлардан таълим олиб, шу мадрасанинг 1452-йилгача мударриси бўлиб ишлаган. Мадрасада арабият, сарфи наҳв ва шеърият илмидан дарс ўқиган. Самарқанд мадрасасида фаолияти давомида темурийлар ҳукмдори Абулқосим Бобурга бағишлаб, “Рисолаи кабир дар муаммо” номли асарини ёзиб, Хуросонга борганида унга тақдим қилади. Самарқанд “Мадрасайи олия”сида Мирзо Улуғбекнинг ўзи олий даражадаги олим ва мударрисларни тайёрлаш масаласидаги илмий-педогогик соҳасидаги амалий ишлари ниҳоятда эътиборлидир. Олийгоҳда фаолият кўрсатган мударрислардан ишга қабул қилишдан олдин имтиҳон олинган ва муносиб номзодлар адолатли танлаб олинган. Шунинг учун олийгоҳ педагог ва олимлари Шарқ илми ва маданиятига улкан ҳисса қўшган тарихий, қомусий мутафаккирлардан иборат эди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Демак, темурийлар даврида инсоннинг асосий мезонлари ҳисобланган таълим ва тарбия тизимида қанчалик катта эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин, деб академик Б. Валихўжаев таъкидлаб ўтади [3. Б. 43]. XV асрнинг яшаб ижод қилган Давлатшоҳ ибн Алоиддин Бахтшоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий “Тазкират аш-шуаро” асарида маълумот беришига кўра, “Мирзо Улуғбек Кўрагон Самарқандда бир олий мадраса ҳам бино этдиким, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаши етти иқлимда ҳам йўқдир. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида шундай ёзади: “Хожа Хурд – Самарқанд тахтининг яккалама қозиси ва Улуғбек мадрасасининг мударрисидур” [15. Б. 182]. Улуғбекнинг фожиасидан сўнг айрим олимлар, жумладан, Али Қушчи, Фазлуллоҳ Абуллайслар, Мавлоно Бурҳониддин Нафислар ўз ишларини давом эттирган. Тарихчи Мирхонд “Равзат ас-сафо” асарида Мирзо Улуғбек ўлимидан сўнг ўғли Абдулатиф кунларнинг бирида Улуғбек мадрасасида араб тили грамматикаси дарсида қатнашгани ўтилатган мавзу бўйича ўқитувчига савол берганлигини таъкидлайди [16. Б. 119]. Мирзо Улуғбек мадрасасида XV–XVII асрларда Мавлоно Амир Калон, Мавлоно мири Калон Самарқандий, Мир Жамолиддин Хоразмий, Соқий Зоминий фаолият кўрсатдилар [17 Б. 26]. Аммо юқорида қайд этилган мударрислардан ташқари яна кўплаб олим ва мударрисларнинг номлари аниқланмаган. Қайд этилган олимлар, мутафаккирлар, алломаларнинг номларини, асарларини бугунги кунгача жаҳон олимлари ҳурмат билан эслайди. XVI асрнинг бошида Улуғбек мадрасасида Маҳмуд Восифийнинг маълумотида Мавлоно Хожа Табризий, Мирзо Хоразмий, Мавлоно Амир Калон каби мударрислар фаолият кўрсатган. Тарихчи Амир Сайид Шариф Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира” (XVII аср) асарида маълумот берилишига кўра, Самарқанд қозиси Соқий Зоминий мадрасада мударрислик қилганлигини эслатиб ўтади [17.-Б.26]. Улуғбек мадрасаси фаолияти ҳақида XVII аср охири ва XVIII аср бошларига оид маълумот йўқ. Манғитлар амири

Шоҳмурод ҳукмронлиги давридан мадраса, яъни XVIII охири XIX аср бошларидан 1918-йилларгача фаолиятини давом эттирган. XX аср бошларида мадрасада олтмишта толиб ва иккита мударрис бўлган [16. Б. 127].

Самарқандда темурийлар Ренессанси билан боғлиқ бир қанча мадрасалар мавжуд бўлиб, баъзилари бизнинг кунимизгача сақланган, баъзилари сақланмаган, жумладан, Алоуддин Алека Кўкалдош мадрасаси (бизгача етиб келмаган), шаҳзода Абдуллоҳ мадрасаси, Амир Қосим мадрасаси, Бухорода Ғиждувон мадрасалари шулар жумласидандир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганимизда, жамиятда илм-фан, таълим-тарбия темурийлар даврида мадрасалар орқали ривожлантирилганлигига гувоҳ бўламиз. Темурийлар бутун Мовароуннахр, Хуросон ва ҳудудларда мадрасалар қурилишига катта эътибор бериб, борларини таъмирлашга катта эътибор қаратган. Мадрасаларда замонасининг энг яхши мутахассислари дарс беришган ва янги мударрислар, қобилиятли ёшлар илмий тадқиқот учун танлаб олинган ва бу ҳолат илм-фан ривожланишига олиб келган. Қайд этиш керакки, Мирзо Улуғбек мадрасаларида яхши билим берилганлиги учун ўз даврининг машҳур олимлари, мутафаккирлари етишиб чиқди ва илм-фан соҳасида юксак муваффақиятларга эришди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 244.
2. Валихўжаев Б. Хожа Ахрор Вали. – Б. 52–57.
3. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари. – Самарқанд, 2001. – Б. 23.
4. Ашраф Аҳмедов. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 28.
5. Абрамов М.М. Улуғбек и благоустройство городов Узбекистана. – Самарқанд, 1991. – С. 24.
6. Пугаченкова Г.А. Самарқанд. Бухара. – Москва: Искусство, 1968; Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент. “Академнашр”. 2017. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари (рисола). – Самарқанд, 2001.
7. Бартольд В.В. Улуғбек и его время. Соч. Т. II. Ч. 2. – Москва, 1964. – С. 125. прим. 33.
8. Абдурраззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II-ж., 1-қ. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 277.
9. Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму – фан ривожи. – Самарқанд; “Зарафшон”. 2003. – Б. 152.
10. Афсаҳзод А. Рўзгор ва осори Абдурахмони Жоми. Душанбе. 1980. – С. 46–47.
11. Собиров Г. Творческое сотрудничество ученых Средней Азии в самаркандской научной школе Улуғбека. – Душанбе, 1973. – С. 22.
12. Валихўжаев Б. Мирзо Улуғбек даври мадрасалари (рисола). – Самарқанд, 2001. – Б. 41.
13. Аҳмедов А.А. Улуғбек, 1394-1449: (Жизнь и деятельность). – Ташкент: Фан, 1991. – С. 28–29.

14. Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактуби. // Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Д.Ю. Юсупова // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 278.
15. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Илмий-танқидий матн, тайёрловчи Суйима Ғаниева. – Тошкент, 1961. – Б. 182.
16. Ахмедов Б.А. Улуғбек (эссе). – Тошкент, 1965. – Б. 119.
17. Ўролов А., Хожихонов М. Улуғбек яратган маънавият, – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – Б. 26.
18. Бартольд В.В. Улуғбек и его время Соч. Т. II. Ч. 2. – Москва, 1964. – С. 127.